

ХУДУДНИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Жураева Гавҳар Тошбобоевна

*Ўзбекистон халқаро исломунослик академияси,
стажёр-ўқитувчиси*

Худудларнинг инновацион ривожланиши нафақат ташқи чақириқлар, балки ички вазифалар, яъни мамлакат худудларини иқтисодий жиҳатдан мутаносиб ривожланишини таъминлаш зарурати билан ҳам белгиланади. Шу боис худудларда инновацион фаолиятни фаоллаштириш масалалари кўплаб олимларнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Инновацион фаолият билан илм-фан салоҳияти (олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари) ўртасидаги боғлиқлик М. Фрицц, М. Вюрвич[1] ишларида кўриб чиқилган. Инновацион инфратузилманинг инновацион кластерлар каби элементининг минтақавий инновацион тизимлар иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлар самарадорлигига таъсири Е.Куценко [2] ишларида ўрганилган. Тадқиқот мавзуси доирасида инновацион лойиҳаларни тезлаштириш механизмини ўрганган ва минтақавий бизнес катализатори моделини таклиф қилган С.Макаров, Е.Угничларнинг[3] ишлари эса эътиборга лойиқдир. Худудларнинг инновацион фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш бўйича амалий вазифалар билан Г.И. Абдраҳмонова, П.Д. Бахтин, Л.М. Гохберг [4], С.П. Земцова [5] шуғулланганлар. Муаллифларнинг амалий характердаги олдинги тадқиқотларидан фарқли ўларок, инновациялар соҳасидаги иккала асосий тадқиқотлар асосида худудларнинг инновацион ривожланишининг асосий омилларини назарий жиҳати ҳамда инновациялар соҳасидаги қайд этилган замонавий тадқиқотлар асосида худудларнинг инновацион ривожланишининг асосий омилларини назарий жиҳатдан тушунишга ҳаракат қилинган.

Шундай қилиб, Жаҳон иқтисодий форуми (World Economic Forum) методологияси доирасида глобал рақобатбардошлик даражасини баҳолашда (The Global Competitiveness Index) “инновацион салоҳият” тоифаси алоҳида ажратилиб, уни баҳолаш қуйидаги омилларга асосланиши тавсия қилинади: юқори технологияли маҳсулотларни давлат харидлари, патентга талабномалар, инновациялар қобилияти, илмий-тадқиқот институтларининг сифати, компаниялар томонидан илмий-тадқиқот ва ишланмаларга сарфланган

маблағлар, университетлар ва ишлаб чиқариш ўртасидаги илмий-техникавий ҳамкорлик, олимлар ва муҳандислар учун қулайлик ҳисобланади. Жаҳон банкининг дунё мамлакатларидаги инновацион (посциндустриал) иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини тавсифловчи билимлар иқтисодиёти индексини ҳисоблаш методологияси ҳам диққатга сазовордир.

Ушбу индекс детерминантларнинг тўртта гуруҳини қамраб олади:

-иқтисодий ва институционал режим индекси: жамият ва иқтисодиёт ривожланаётган шароитлар, тартибга солиш сифати, иқтисодий ва ҳуқуқий муҳит, тадбиркорлик ва хусусий ташаббуснинг ривожланиши, жамият ва унинг институтларининг мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ва янги билимларни яратиш қобилияти.

-таълим индекси: аҳолининг билим даражаси ва билимларни яратиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш бўйича барқарор кўникмаларнинг мавжудлиги;

-инновациялар индекси: глобал билимларни маҳаллий эҳтиёжлар учун идрок этувчи ва мослаштирадиган, шунингдек, унинг асосида янги билимлар ва янги технологиялар яратувчи компаниялар, илмий марказлар, университетлар, касбий уюшмалар ва бошқа ташкилотларни ўз ичига олган миллий инновацион тизимнинг ривожланиш даражаси;


-ахборот технологиялари ва коммуникациялари индекси. Ахборотни самарали тарқатиш ва қайта ишлашга ёрдам берадиган ахборот-коммуникация инфратузилмасининг ривожланиш даражаси.

Минтақавий миқёсда инновацияларни ўрганишга бағишланган ишлар орасида Т. Брукел ва Т. Бреннер[6]ларнинг ишлари эътиборга лойиқ бўлиб, улар ўз тадқиқотларида инновацион ривожланишнинг 12 та таркибий минтақавий омилларини ажратиб кўрсатиб ўтишган: илмий-тадқиқот, саноат хусусиятлари, урбанизация даражаси, бандлик тузилмаси, минтақавий иқтисодиётнинг тузилиши, университетларнинг мавжудлиги, инсон капиталининг сифати, инсон капитали потенциали, давлат илмий-тадқиқот институтларининг мавжудлиги, минтақанинг молиявий ресурслари, фирмаларнинг молиявий имкониятлари ва минтақавий жозибадорлиги.

Инновацион тизим концепцияси асосида минтақавий инновацион ривожланиш омилларини таснифлаш таклиф этилади, бу катта амалий аҳамиятга эга, чунки бу инновацион жараёнларни микро, мезо- ва макро даражаларда такомиллаштиришга тизимли ёндашувни қўллаш имконини беради(1.1-расм).

Аммо бунга эришиш йўлида аввало худудларнинг салоҳиятидан келиб чиқиб

минтақавий инновацион тизимни шакллантиришимиз лозим. Минтақавий инновацион тизим ўзи нима?



минтақавий инновацион сиёсатнинг қўйи тизими, шунингдек, ҳудудлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг иқтисодий ривожланишини мослаштиришга қаратилган минтақавий сиёсат сифатида белгиланади.

Минтақавий инновацион тизим миллий инновацион тизимнинг мажбурий элементи ҳисобланади. Шу билан бирга, у минтақанинг инновацион стратегияси, сиёсати ва салоҳиятига асосланиб ҳар бир ҳудуд учун ўзига хос ва ўзининг умумийлиги билан фарқланади.

Минтақавий инновацион тизим фаолиятида минтақавий инновацион инфратузилмани яратиш устун ўринни эгаллайди. Дарҳақиқат, минтақадаги корхоналарга ва билимларни ишлаб чиқарадиган соҳага кенг қўламли таъсир қилиш воситалари ҳудудий ҳокимият тасарруфида бўлади. Ҳудудий ҳокимият органларининг фискал ва маъмурий таъсир чоралари уларнинг ваколатлари доираси билан чекланганлиги ҳамда инфратузилма элементлари билан ўзаро муносабатларда аксинча, минтақаларнинг ўрни ҳокимиятларнинг таъсиридан анча юқори ҳисобланади. Иқтисодиётда инновацион ўзгаришлар мафкураси ташувчиси бўлган марказлаштирилган тузилмалар ташкил этилиши, инфратузилманинг амалдаги фаолиятини ҳудудларда ҳудудий илмий-техникавий мажмуалар эҳтиёжларини қондириш ва ҳудудий ҳокимият органлари кўмагида амалга оширилиши лозим.

Фан, ишлаб чиқариш, бизнес ва бозор ўртасида самарали тўғридан-тўғри ва тескари алоқани амалга ошириш учун давлат органларининг ташаббускорлик кўмагида ҳудуднинг яхлит инновацион тизимини яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Инновациялар соҳасида самарали меъёрий-ҳуқуқий база мавжудлиги яхлит ҳудудий инновацион тизимни барпо этиши мумкин. Замонавий ва тўлиқ қонунчилик яхлит инновацион тизимни шакллантириши учун барча шарт-шароитларни яратади, бироқ унда инновацияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини яратиши керак бўлган муҳим қоидалар мавжуд эмас.

Минтақавий инновацион тизимни қуриш қуйидаги босқичлардан иборат :

1) ташкилий-тайёрлов босқичи:

- ҳудуднинг илмий-инновацион соҳасининг ҳолатини таҳлил қилиш ва диагностика қилиш;

- ҳудудда илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаштириш;

- ҳудудий инновацион тизимни шакллантириш ва фаолият юритиш жараёнини ҳуқуқий таъминлаш тизимини яратиш;

- ҳудуднинг илмий-инновацион соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш;

2) ҳудудий инновацион тизимнинг институционал асослари ва ўзагини шакллантириш;

3) ҳудудий инновацион тизим инфратузилмасини шакллантириш;

4) ҳудудий инновацион тизимнинг минтақа субъектининг маъмурий-ҳудудий чегаралари доирасида тарқалиши. Минтақавий инновацион тизим иштирокчилари ўртасидаги элементар таркиби, алоқалари ва муносабатлар табиати минтақанинг иқтисодий тизимининг тури билан белгиланади. Бироқ, лойиҳалаш ва ишлаб чиқишда минтақавий инновацион тизимда эндоген ва экзоген бошқа муҳим омилларини ҳисобга олиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Фрич М., Вюрвих М. Роль знаний, навыков и возможностей в формировании региональных стартапов в сфере информационных технологий // Форсайт. – 2019. – Т. 13. – № S2. – С. 62-71.

2. Куценко Е. С., Нечаева Е. Г. Сравнительный анализ зарубежных и отечественных исследований в сфере измерения инноваций на региональном уровне // В кн. : XV апрельская международная научная конференция по проблемам развития экономики и общества: в 4-х книгах. / Отв. ред.: Е. Г. Ясин. Кн. 3. М Издательский дом НИУ ВШЭ, 2015. С. 263–274.

3. Макаров С., Угнич Е. Бизнес-катализаторы как драйверы развития региональных инновационных систем // Форсайт. – 2015. – Т. 9. – № 1. – С. 56-67.

4. Рейтинг инновационного развития субъектов Российской Федерации. Выпуск 5 / Г. И. Абдрахманова, П. Д. Бахтин, Л. М. Гохберг и др.; под ред. Л. М. Гохберга; Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». – М.: НИУ ВШЭ, 2017. – 260 с.

5. Национальный доклад «Высокотехнологичный бизнес в регионах России». Выпуск 2 / под ред. Земцова С.П. – М.: РАНХиГС, АИРР, 2019. – 108 с.

6. Brenner T., Broekel T. Methodological issues in measuring innovation performance of spatial units // Industry and Innovation. – 2009. – № 1. – p. 7-37. – doi:10.1080/13662716.2010.528927.